



МУАММОЛАР
ЕЧИМ ТОПМОҚДА,
ЛЕКИН...

3▶

УСТОЗЛАРГА
ТАЪЗИМ
ҚИЛАМАН!



4▶



НОИНСТИТУТЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНИ

7▶

МЕҲР НУРИ
СЎНМАЙДИ



8▶

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Кексалик саодати

ҲИКМАТ

Илм ўқуб қилмаган
амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул.
Алишер Навоий

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ошшагининг яна бир
сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган
севимли газетангизга 2016 йил учун обуна
давом этмоқда!

Обуна индекси — 176



Спорт ва санъатни ўзида уйғунлаштирган гимнастиканинг нафис ҳаракатлари, тананинг эгилувчанлиги, булут каби енгил ҳаракатлар дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмасин барчани ҳайратлантиради. Бугунги кунда тобора ривожланаётган бу спорт турига мамлакатимизда ҳам катта эътибор қаратилган. Жумладан, 2007 йилда гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби ва 2011 йилда бадий гимнастика бўйича болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактаби ташкил этилди.

САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ТАРҒИБОТИ

Ўтган вақт мобайнида кўплаб спортчи қизларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, қувончли натижаларга эришди. Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Миллий Паралимпия Ассоциацияси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан 14 ёшгача бўлган имконияти чекланган болалар ўртасида "Гимнастика барча учун" деб номланган мусобақа бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги биринчи ва иккинчи мурувват уйлари ҳамда мактаб интернатлари тарбияланувчилари

иштирок этишди. Тадбир давомида иштирокчилар ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, спортда ҳам фаол эканликларини намойиш этишди.

— Мусобақага ўқувчиларимиз катта қизиқиш билан тайёргарлик кўришди. Бу жараёнда улар ўзаро ҳамжиҳатликда, бир жамоа бўлиб ишлашни ўрганишди, — дейди **100-ихтисослаштирилган мактаб интернат ўқитувчиси Насиба Муродшайхова**. — Спорт билан мунтазам шуғулланиш имконияти чекланган болаларнинг соғлом бўлишига ёрдам беради.

Тадбир

Ушбу тадбирда иштирок этган ўқувчиларимиз, энг муҳими, аҳиллик билан бир мақсад сари интилиш ғалабаларга етаклашни намойиш этишди.

Фаол иштирокчилар "Энг яхши техника", "Энг жозибали", "Энг оригинал", "Энг

яхши гимнастик элемент" номинациялари бўйича голибликни қўлга киритди. Шунингдек, голиб ва совриндорларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Тадбирда **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.**

Ўз мухбиримиз.

Раъно Асқарова камгап, камтарин, ўзининг ширин сўзи, касб-маҳорати билан ҳар бир ўқувчи қалбига кириб боради. У ёшлигидан ўқитувчиликка меҳри тушган. Мактабни тугаллаган ёш Раънога акиси Давроннинг айтган гаплари ҳали-ҳамон эсида: "Хўп десанг, ҳужжатларингни кимё-биология йўналиши бўйича топшир. Бу фанга қизиқишинг ёмон эмас, қўшимча тайёрланишинг учун ҳали вақт бор. Ўзим ҳам ёрдам бераман".

Таълим фидойилари

чи устозим Даврон акамдан бир умр миннатдорман. Билмадим, у кишининг ишончини қай даражада оқладим, бу баҳони ўзим ўқитган шогирдларим айтса бўлади. Муҳтарам Норматова, Раъно Хўжакулова, Дилбар

Гулноза Тожихўжаева ва кимё-биология фани бўйича ўтказилган "Билимлар беллашуви"нинг тўнжарида оқладим, бу баҳони ўзим ўқитган шогирдларим айтса бўлади. Муҳтарам Норматова, Раъно Хўжакулова, Дилбар

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Кадрдон акиси — Иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени ҳамда "Шухрат" медали соҳиби Даврон Темиров кўп йиллар ёшларга кимё-биология фанидан сабоқ берган. У тушунди, синглисининг келажагига ишонгани учун шундай оқилона маслаҳат бериб адашмаган экан. Раъно ўшанда ҳеч иккиланмай, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ўқишга кириб, муваффақиятли тамомлагач, дастлаб Бўка туманидаги 7-мактабда иш бошлади. Тақдирни қарангки, олий даргоҳда бирга таҳсил олган Бахтиёр Асқаров билан умр йўллари боғланиб, Нишон туманига келин бўлиб тушди.



Шундан сўнг шу ҳудуддаги 1-мактабгача таълим муассасаси, 2-мактабда кимё-биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Айти пайтда эса 5-мактабда ёшларга сабоқ бераётган Раъно Асқаровнинг ўттиз йилдан кўпроқ самарали меҳнати муносиб баҳоланди ва у 2005 йилда "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Аввало, бирин-

Пошшоҳўжаева, Раъно Йўлдошева, Шерзод Бегалов, Музаффар Мирзаев сингари фидойи ҳамкасбларим билан ҳам фахрланаман.

Эътиборли жиҳати, бу илм маскани кимё фани бўйича тумандаги таянч мактаби ҳисобланиб, Раъно Асқарова "Устоз-шогирд" йўналиши бўйича "Устоз" ўқитувчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўтган ўқув йилида ўқувчи

меҳр қўйган, ўта талабчан ўқитувчилардан бири, — дейди фахрий ўқитувчи Махфират опа Мухсинова. — Ундаги изланувчанлик ва иқтидорни қадрлайман. Қувончлиси, деярли ҳар йили унинг сабоқлари билан бахраманд бўлган ўқувчилар талаба бўлишмоқда.

Дарвоқе, бу ахил оилани муволафасиз ўқитувчилар оиласи десак, арзийди. Раънонинг турмуш ўртоғи Бахтиёржон, қайнопаси Шафоат опа, ўғли Баҳодир, қизи Феруза ҳам таълим соҳаси вакиллари саналади. Қолаверса, ўғиллари Собир ва Отабек ҳам жамиятимизнинг фаол аъзоларидир.


Шавкат СУЛТОНОВ,
журналист.
Қашқадарё вилояти.

Фаолият

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан соғлом авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш, "Соғлом она — соғлом бола" тамойилини ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спорт турларини ривожлантириш, туғма ва орттирилган хасталиклар билан касалланган болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ихтисослашган тиббий ёрдамга муҳтож бемор болаларни хорижий кли-

БАРКАМОЛ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



никаларда соғломлаштириш ишлари ҳам кенг қўламда олиб борилаётир. Жорий йилда 26 нафар бола саломатлигини тиклаб юртимизга қайтиб келган бўлса, яна 35 нафари даволаниш учун хорижга жўнатилди. Мазкур ҳамкорлик лойиҳаси доирасида 300 бола юртимиздаги етакчи клиникаларда соғломлаштирилди.

Анжуманда таъкидланганидек, фонднинг Жанубий Корея, Сингапур давлатларидаги бир қатор халқаро хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳам самарали бўлмоқда. Мазкур халқаро ташкилотлар вакиллари ва мамлакатимиз шифокорлари иштирокида жойларда соғломлаштириш акциялари ташкил этилиб, аҳоли, жумладан, оналар, болалар, кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

— Фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари аҳоли орасида кенг қамровли тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бош мутахассиси Аббосжон Эргашев. — Улар томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида 3360 дан ортиқ кишлоқ ва маҳаллада тиббий-профилактика тадбирлари амалга оширилди.

Маълумки, ҳудудларга саломатлик поездларини жўнатиш "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг йирик тиббий-ижтимоий лойиҳалардан бири ҳисобланади. Жорий йилда фонд ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликдаги Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида уюштирилган соғломлаштириш ҳафталикларини доирасида қарийб 6000 аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий-ижтимоий муассасаларга дори-дармон, санитария-гигиена воситалари ва бошқа инсонпарварлик юклари етказиб берилди.

Тадбир давомида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тиббий-ижтимоий лойиҳалар кўламини кенгайтириш ва халқаро ҳамкорлик самаралари ва истиқболдаги вазифалар хусусида сўз борди.

Анжуманда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномова иштирок этди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Аллоларимиздан бири Абдурауф Фитрат "Оила" (1916) номли асарининг "Қалин (пули) ва тўй қандай бўлиши лозимлиги ҳақида" деб номланган бобида иқтисодий саводсизликни миллатимизнинг энг катта камчилиги дея таъкидлаган, одамлар бутун умр йиққан мол-дунёсини бир кунлик тўйга сарфлаб, исрофгарчиликларга йўл қўйишини куйиниб ёзган эди. Орадан салкам бир аср ўтган бўлса-да, тўйлар билан боғлиқ муаммолар, ҳавойи орзу-ҳавас ва ортиқча дабдаба ортидан келаётган ташвишлар ҳамон ҳаётимизни тарк этмади.

Тўйларимиз — уйларимиз

МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА, ЛЕКИН...

— Тўйимиз жуда чиройли ўтганди, — дейди тошкентлик Ширмоной исмли жувон. — Икки йилки, ҳалиям қарздан кутулолмадик. Турмушга чиқмасимдан аввал хасталик нималигини билмасдим. Энди эса камқонликка чалинганман. Ўғлим жуда нимжон туғилди. Агар шунақа қийналиб қолишимизни билганимда, ҳар қандай орзу-ҳавасдан воз кечиб, тўйимизни ихчамгина ўтказишларини талаб қилардим.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 28 октябрда "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказишларини тартибга солиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинганидан сўнг ўтган давр мобайнида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўзаро ҳамкорликда маҳалларда, таълим муассасаларида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришга бўлса-да, афсуски, юқоридагидек "оғриқли яралар" тез-тез очилиб кетаяпти.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун бугунги кунда маҳалларда олиб борилаётган ишларнинг натижалари қандай бўлмоқда?

МАРҒИЛОНЛИК КУЁВЛАР "ЗИЁФАТ"ДАН ВОЗ КЕЧИШДИ

Зубайда АҲМЕДОВА,
"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибиги, Марғилон шаҳридаги Янгибоғ маҳалласи бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Фуқаролар йигинларида "Яраштириш" комиссиялари фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, маҳалламизда ҳам раисимиз Мўминахон Азимова, маслаҳатчимиз Замирахон Дадахонова билан биргаликда тўй-ҳашамларни ихчам ўтказиш, дабдаба ва исрофгарчиликларга йўл қўймаслик борасида тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Ўзимизнинг худуд мисолида гапирадиган бўлсам, тўйлар таркибидеги ноанъанавий одатлар қудаларни ва ёш оилаларни жабрлаб келарди. Масалан, илгари икки-уч кунлаб тўй қилинарди. Мана, энди тўйлар бир кунда ўтаётти. Ёки қиз узатган хонадон куёвниқига қирқ кун - биринчи ўн кунликда уч, кейинги ўн кунликда икки ва ундан кейин бир маҳал юборадиган зиёфат ота-онани ҳолдан тойдирарди. Эндилда келин янги уйнинг паст-баландига ўрганиб олгунча ота-онаси бир ҳафта, бир маҳалдан зиёфат юбораяпти. Шунингдек, Марғилонда янги тушган келинчакни кўриш учун ёшу қари, танишу нотанишлар, қариндош-уруғлар узун-қисқа бўлиб куёвнинг хонадонига "келин кўрди"га кириб келаверишар, меҳмонларни бекаму кўст кутиш, тўкин дастурхон билан кузатиш эракларнинг

чўнтагини "қоқиб" оларди. Марғилон телевидениесига махсус кўрсатувлар ташкил этиб, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ФХДЁ бўлимлари билан ҳамкорликда маҳаллада, таълим муассасаларида ва матбуот орқали кенг миқёсда тушунтириш ишларини йўлга қўйдик ва бу каби чўнтақ шўри удумлардан халос бўлдик. Шунинг-

бошқа хунарларни ўрганишда. Ёшлар билан ишлашни яхши йўлга қўйганмиз. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим муассасалари, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари билан ҳамкорликда йигит-қизлар билан суҳбатлар ўтказамиз. Тўйлардаги ортиқча чиқимларга барҳам беришда ҳам йигитлар билан гаплашиб, фикрлашиб, маслаҳатлашамиз. Керакли пайтда уларни тўғри йўлга соламиз.



дек, тўйдан олдин келин тараф куёвнинг уйига юборадиган "куёв зиёфати"дан йигитларимиз ўз ихтиёрлари билан воз кечишяпти. Илгари қиз тараф мебель, уй-рўзгор анжомлари, гилам ва пардаларни бекаму-кўст қилиб берган бўлса, энди бўлгуси куёвларнинг аксарияти ётоқхона мебелларини ўзлари харид қилаяпти.

Маҳалла фуқаролар йиғини ўз ваколатидан келиб чиқиб, тўйдан олдин икки қудани чақиртиради ва уларга шарт-шароитни тушунтиради. Айтилик: бу хонадон аҳлининг шароитига қиз кўникиб кета оладими ёки куёв тараф тўйдан кейин келиннинг сеп-сидирғасидан айб излаб ўтирмайдими? Бу каби саволларга баҳоли қудрат тўйдан олдин кўлашиб жавоб топаямиз. Натижада ажримлар ҳам камайиб бораёпти.

ҲАММА ГАП ЙИГИТЛАРДА

Хонимой САРИМСОҚОВА,
Жиззах вилояти Фориш тумани "Қорабдол" ҚФЙга қарашли Яссикечув маҳалласи маслаҳатчиси:

— Кўпчилик тушуниб қолди, қудандачилик ришталарини боғламоқчи бўлганлар ҳам энди биздан маслаҳат сўрайди. Аҳолимиз асосан хунармандлик, чорвачилик, паррандачилик билан тирикчилик қилади. Қиз ва йигитларни оилага тайёрлаш асносида бирор хунар ўрганишга йўналтирамиз. Маҳалламизда бекор юрган қизлар йўқ. Ҳаммаси ўқийди, мактабдан, коллеждаги дарсларидан сўнг чопон тикиш ва

Буни қарангки, қизларни оилага тайёрлаш билан бирга йигитлар билан шу мавзуларда ўтказаятган суҳбатларимизнинг самараси тезда сезилаёпти. Ёшлар ўртасида тўйларда ортиқча дабдабага берилиш камайиб бораёпти.

Илгари куёв тараф келинга 2-3 миллион сўм қалин пули, бир бош қорамол ва бир қўй бериши шарт эди. "Нон синдирад"га бир қўти яхши шоколад юборилмаса, тўй қайтариларди. "Тўққиз тўй"да ҳам қизга сарполар билан яна бир бош қўй жўнатиларди. Албатта, буларнинг бари келин тушираётган хонадон эгаларига оғирлик қиларди.

Оқсоқоллар, қайвонилар билан келишиб, бундай ортиқча одатларни камайтиришга эришдик. Келинга бир тақинчоқ — узукми, зиракми берилади. "Тўққиз тўй" ҳам йўқ қилинди. Қалин пулини камайтирдик. "Қиз баъзи"ни ҳам отаси кучи етганча ўтказди. Никоҳ куни 3-4 машинада қудаларни бўлиб келишди. Икки қудани келишиб, ҳолига қараб тўй ўтказди. Натижада майда-чуйда гап-сўзлар, оворагарчилик ва кейин рўзғорда юзага келиши мумкин бўлган етишмовчиликларнинг олди олинмоқда.

ЁШЛАР ТУШУНМАСА ҚИЙИН

Мийригул АЛИМБЕТОВА,
Нукус шаҳридаги "Ўрнек" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси:

— Бугун юртимизда тўкин-сочинлик, хонадонларимиз кундан-

кунга фаровонлашиб бормоқда. Тўйлар тўйларга уланмоқда. Аммо ортиқча чиқимлар, исрофгарчиликлар одамларни қийнаб қўяётгани ҳам бор гап. Шу боис тўйларни ихчамлаштириш борасида ўз ваколатимиздан келиб чиқиб, аҳолига керакли тавсияларни бераёلمиз.

Бизда ҳам илгари одамлар бोरини тўйларда тўкиб-сочишар, олди-берди ва борди-келдилар икки қудани обдон қийнаб қўярди. Ҳозир эса "нон синдирад" ва "фотиҳа тўйи"ни ихчамгина қилиб, уч-тўрт нафар кексалар билан ўтказяёмиз.

"Қиз олиб қочиш" удуми бизда аҳоли ўртасидаги муаммоларимиздан бири эди. Оилаларда тушунмовчиликлар юзага келар, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларга нифоқ соларди. Маҳалла, овул, таълим муассасаларида хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлими, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда тарғибот ишларини олиб боришимиз туфайли эндиликда йигит-қизлар ота-онасининг розилиги билан чиройли тўй қилиб оила қуришяпти.

Ортиқча харажатли удумларни ихчамлаштириш борасида ҳар қанча иш олиб бормаёлик, ёшларнинг ўзи бунга англаб етмаса қийин. Масалан, баъзи ўғил-қизларимиз янгича дабдабаларга ҳам йўл қўя бошладилар. Никоҳ куни келин-куёв ва уларнинг дўсту дугоналари турнақатор машиналарда сайрга чиқиши натижасида ҳар хил кўнгилиз ҳалокатлар ҳам содир бўлгани бор гап. Бундай ноҳуш ҳолатларни таҳлил қилиб, тўй эгалари ва ёшларга тушунтирганимиздан кейин кўпчилик англаб етди.

Аслида, ортиқча чиқим оила бюджетига зарар. Аммо "Нимага бизнинг оилавий ишимизга аралашасизлар?" дегувчилар ҳам топилди. Шундайларга тўй ва маросимлар билан боғлиқ ҳеч бир масала бир оилагагина тегишли бўлиб қолмаслигини, у худди юқумли касалликдек бошқаларга ҳам "юқиши", қанот ёйиб атрофга тарқалиши мумкинлигини тушунтирамиз.

Мақолаимизга шу ерда нуқта қўйишни кўнгилга туккан эдик. Аммо мебеллар дўконига учратганим — бир онахоннинг сўзлари қулоғим отида жаранглаб, ҳали айтилажак гаплар кўпчилигини эсга солди. "Қудаларим юборган мебель ўғлимга ёқмади, жаҳли чиқиб қайтариб юборди. Шунинг учун унга маъқулни харид қилишга келдик", дейди ўзини Замира опа деб таништирган аёл. Кўнглим оғриди. Биргаллаш оила қурмоқчи бўлаётган қизнинг сепидан айб топаётган бу ўғил ёшлигиданоқ молпарастликка ўрганган бўлса, эртага бу оилада соғлом муҳит бўлармикан?..

Маҳалла маслаҳатчилари, фаоллар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари бу борада муаммолар ечимини излашяпти. Лекин ортиқча дабдаба ва чиқимлар энг аввало, тўй эгаларининг чўнтагига, оиласи фаровонлигига зиён эканини одамларимиз нега тушуниб етмаяптилар? Ёки улуғ алломамиз Абдурауф Фитрат қуяганчидек, ҳалиям иқтисодий саводсизликдан халос бўла олмаёلمизми?

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА

Ўзининг бир қатор дилтортар тароналари билан тингловчилар меҳрини қозонган иқтидорли хонанда Наргиз Яндашева саҳифамиз меҳмони.

Наргиз ЯНДАШЕВА,
хонанда:

УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН!

— Наргиз, сизни ҳамisha сергайрат ва мамнун қиёфада кўра-миз. Наҳотки, ижод одамга шундай завк берса?..

— Санъат менинг ҳам умрим мазмунига айланган. Оила аъзоларим, турмуш ўртоғим, барча яқинларим ишлаш, ижод қилиш учун шароит яратиб беришган. Ҳатто яшаётган уйимиз ҳам овоз ёзиш студияси яқинида жойлашган. Танишларим, қариндошларим ишимдан, камчиликлардан, қийинчиликлардан сира нолимаганимни кўриб: “Куч-қувватингизга кўз тегмасин. Ҳамиша ҳаётдан завқланиб яшайсиз”, дейишади. Соҳамиздан шикоят қилишни умуман хохламайман. Ахир, бу менинг борлигим-ку!

Болалигимдан кўшиқ куйлаш энг сеvimли машғулотларимдан бири эди. Лекин мактабни тамомлагач, оиламиздагиларнинг истакларига кўра, тиббиёт билим юртида таҳсил олдим. Орадан бироз ўтгач, санъатга бўлган иштиёқим ҳали ҳамон сунмаганини билган ота-онам Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг мусиқали драма актёри йўналишида билим олишимга рози бўлишган.

— Ҳа, илганиш йилларингиз, сизга санъат ва ҳаёт илминини ўргатган устозларнингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?..

— Чуст туманидаги доврўгли Олмос қишлоғида туғилиб ўсганман. Мактабда чуқурлаштирилган география синфида таҳсил олганман. Устозимиз Маҳмуджон Баҳонов география ёки биология фани ўқитувчиси бўлади деб ўйларди. Раҳимжон Устабоевнинг сабоқлари туфайли математика бўйича олимпиадасининг туман босқичида 1-ўринни эгаллашга ҳам муваффақ бўлганман. Немис тилини мароқ билан ўргандим. Ҳозир ҳам бемалол немис тилида ёзилган бадиий китобларни ўқийман, таржима қилишга ҳам озмоз уқувим бор. Мусиқа дарси эса энг сеvimли фанларимдан бири эди. Устозим Муҳаммаджон Ҳайдаров баъзан тоблари бўлмади, мактабга келмай қолса, уйга бориб ўша кунги дарсини ўқиб-ўрганишга интилардим. Бугунги кунда мустақиллик шарофати туфайли юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ёшларимиз учун барча имкониятлар етарли даражада ташкил этилган. Ҳар бир мусиқа хонасида барча мусиқа асбоблари бор. Институтларда мусиқа ўқитувчилари тайёрланмоқда. Менинг яна бир ажайиб “устозларим” — магнитофон ва патефон пластинкалари эди. Уқишдан, уй ишларидан бўшаган пайтларим Отажон Худойшукуров, Камолитдин Раҳимов, Ботир Зокиров, Маъмура Курбонова каби устоз санъаткорларнинг мумтоз кўшиқларини пластинкада, Кумуш Раззоқова, Насиба Абдуллаева, Ғиёс Бойтоев каби элимиз ардоғидаги санъат усталарининг бетақор тароналарини магнит ленталари ва видеокассеталар орқали мароқ билан тинглардим. Институтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артист, истеъдодли актёр Боир Холмирзаев курсида таҳсил олдим. Анъанавий хонандалик йўналишида эса Ноила Абдуллаева, Шерзод Пирматов, раҳматли Рустам Усмонов сабоқ берган.

— Қайси кўшиқчиларга ихлосингиз баланд, бир сўз билан айтганда, ҳасад эмасу, чин дилдан ҳавас қиласиз?

— Ёш бўлишга қарамасдан ижро маҳорати бўйича ўз мактабига эга Отабек Муҳаммадзоҳиднинг санъатини қадрлайман. Устоз сифатида Отабек акадан овоз ёзиш студиясида, хизмат жараёнларида бир кўшиқни бир неча хил услубда ҳам маромига етказиб куйлай олиш маҳоратини кузатдим. Улардан тарона учун матн, мусиқа танлашни ўргандим.

— Бугунги кунда ёшларимиз устоз санъаткорлар кўшиғини куйлашлари урфга айланган қолди. Шахсан сиз ҳам Ўзбекистон халқ артисти, раҳматли Камолитдин Раҳимов ижро этган “Наргиз” кўшиғини куйладингиз. Нима деб ўйлайсиз, бундай ёндошув ўзини қай даражада оқларкин?

— Мураббий шогирд учун ота-онаси каби яқин инсондир. Улардан ўрнак ва андоза оламиз. Айни вақтда жуда кўплаб ёш ижрочи хонандаларимиз номдор ашулчиларнинг кўшиқларини “жўнгина” ҳеч бир тайёргарликсиз оммага тақдим этишаётгани кўнгилга оғир ботади. Ҳар бир ишнинг ўз қонун-қоида, меъёри бор. Ҳар бир бошловчи хонанда ўзи хоҳлаган таронасини бемалол куйлаши учун маълум бир чиғирлардан ўтади. Лекин, бу масаланинг яна бир нозик жиҳати ҳам бор, яъни, эндигина икки-учта таронаси билан танилаётган ҳаваскорларни кўллаб-қувватловчи ҳомийлари десак тўғрироқ бўлар. “Мана шу кўшиқни куйлагин”, деб талаб қилишганини ҳам биламан. Айримларга бу йўл ёқади, айримларга ҳам тўғри келмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам устознинг номи, нуфузини ҳурмат қилиш билан бирга, ўзалари ҳаёт бўлса, изн сўраш керак бўлади. Баъзи тенгқурларимиз, афсуски, бу борада ўзбошимчалик қилиб, кулгига қолишаётганини ҳам яширмаслик лозим.

Энди, ўзимга келадиган бўлсак, нафақат менга, балки керак бўлса юзлаб хонандаларга ҳар томонлама устозлик қила олган оташнафас ҳофиз Камолитдин Раҳимовнинг “Наргиз” кўшиғини шахсан ўзларидан дуо олиб, ижро усулларини, кўшиқ тарихини сўраб, шундан кейингина куйладим. Очиги, истиҳолага бориб, “Устоз, мен аёл кишиман, лекин кўшигингизни бир неча йиллардан бери куйлашни кўнглимга тугиб кўйганман, нима дейсиз”, деганимда, “Қизим, сиз, ҳеч иккиланманг, бу тарона тоғли жойларда йигит ва қизнинг узок масофадан бир-бирини қақриш оҳангидан келиб чиққан”, дегандилар. Демак, қиз бола ҳам ижро этиши мумкинлигига



ишора қилганлар “Наргиз” таронаси услубини ўрганиш жараёнида устоз билан кўришиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатларини, дон-дона қилиб, шоммасдан сўзлашларини, феъл-атворини эринмай ўзлаштирдим. Айниқса, мухлислар олдида умумий одоб-ахлоқ доирасидан чиқмаслиқни ўргандим. Демак, биз ёшлар устозлардан нафақат билим, балки инсонийлик фазилатларини ҳам юқтириб боришимиз кераклигини англаб етдим.

— Танқидга муносабатингиз қандай?

— Таронамларимни оммага тақдим этишдан олдин ўзим бир неча бор чиғирдан ўтказаман. Устозлар билан маслаҳатлашаман, имкони борица кўшиқларимни тинглашларини, хато-камчиликларини рўйи-рост юзимга очиб айтишларини сўрайман. Ўз опамнинг ўткир танқидий фикрларини ҳурмат билан қабул қиламан. Онам эса либосларимга катта аҳамият беради. Саҳнада ҳам кийиниш маданиятига амал қилишимни, миллатимиз, қолаверса, Олмос қишлоғимизнинг қадим урф-одатларига доғ туширмайдиган хати-ҳаракатларни намойиш этишим кераклигини таъкидлашади. “Сен санъат йўлидасан, одамларга ўрнак бўласан, ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам бир хил — самимий, камтарин бўлгин”, деб ҳар доим ўқтириб турдилар.

— Ҳам ижод, ҳам оилани бирдек эплайсиз. Буларни тенг олиб бориш қийинчилик туғдирмайптими?

— Агар атрофидаги яқинлари инсоннинг ҳар бир юмушида суянч, тиргак бўлиб турса, ўта қийин заҳматлар ҳам билинмай кетади. Уй ишларига ўз вақтида улгуришга ҳаракат қиламан. Чунки хонадоннинг пасту баландини шу уй бекасидан бошқа ҳеч ким яхши тушунайди. Қўшиқларим билан жуда аҳилмиз. Ёрдан беришади. Баъзида уйимнинг калитини ташлаб кетаман. Меҳмон келиб қолса, қарашиб туришади. Чарчаган пайтларимда онамнинг маслаҳатларига суянаман. Бугунги кунда “ЖАР” спорт-соғломлаштириш мажмуасида қўриқлаш взводида хизмат қилаяман. Эртадан то кечгача ишдаман. Баъзан тўй-томоналар ёки мусиқий кўрсатувларга меҳмон сифатида чақиривади. Ҳамма ишга улгуришнинг ўзи бўлмайди. Оила аъзоларим, умр йўлдошимнинг ҳамда продюссерим Миршод Ражабовнинг ёрдами туфайли ҳаммасига улгуряман. Эрак оиланинг устун, суянгувчи тоғи бўлса, аёл унинг ширин сўзли мададкори, кўллаб-қувватловчисига айланади.

Шахноза ТОЖИДДИНОВА
сўхбатлашди.



МЎНДИ — суюқлик солиб қўйишда фойдаланилган сопол кўзанинг оғзи тор, қорни кенг, дастасиз тури. “Мўнди” сўзининг туб илдизи “оғзи синиқ кўза” маъносини англатган. Баъзан “мўнди” сўзи лақаб тарзида ҳам қўлланилган.

Бўзчи белбоққа ёлчимас, қуллол — мўндига.

Мақол

НУКТА, НУКТАДОН ВА НУКТА-ФАҲМ — мумтоз адабиётимизда фаол қўлланган “нукта” сўзи тилимизда “теран маъноли сўз”, “хикмат”, “донолик билан айтилган гап”, “туб маъно”, “моҳият”, “нозик тафсилот” маъноларини англатади. “Нукта” сўзидан келиб чиққан “нуктадон” сўзи “билувчи”, “нуктафаҳм” сўзи эса, “масаланинг туб моҳиятини яхши биладиган” деган маъноларни билдиради.

Лабинг сиррин келуб гуфтора мандин ўзгадин сўрма, Бу пинхон нуктини вокифи асрор ўландан сўр.

Фузулий

КАҲҚАШОН — тунда осмонда узунасига кўринадиган узун йўл, сомон йўли тилимизда “каҳқашон”-дир. “Каҳқашон” “сомон тортувчи-лар” деган маънони англатади.

Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир, Бундай буюкларнинг каҳқашонида.
Абдулла Орипов

Кетма, жоним, айриқдан жон безор, Ярим кеча каҳқашонинг бўлайин.
Миртемир

ОРО, ОРАСТА ВА ОРОЙИШ — “Ораста” сўзи “тартибга солинган”, “оро берилган”, “тарбияли”, “одобли” деган, “оройиш” сўзи эса, “зебзийнатланган”, “пардозланган” деган маъноларни англатади. Бу икки сўзнинг ҳам илдизида “безатувчи”, “зеб берувчи” маъносини билдирган “оро” сўзи ётади.

Тонг ёришмасдан туриб, кўлига супурги олади-да, ярим соатга қолмай ҳаммаёқни ораста қилиб қўяди.

Саид Аҳмад

Яхши либос — танга оройиш, Яхши йўлдош — жонга осойиш.
Мақол

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Тилимиз тарихини "Ўрхун-Энасой ёдгорликлари", "Билга ҳоқон битиги", Маҳмуд Қошғарийнинг бебаҳо "Девону луготит турк" асари билан белгилаш тўғри. Ўзбек тилининг жилоси, сўзларнинг ишлатилиши, жарангдорлиги, ширалилиги, умуман, синоним вариантларининг кўплиги юқоридаги фикримизни ҳар жиҳатдан тасдиқлайди.

...Ишларим кўп эди: биринчи, туфлимни яматиш, кейин қўл телефонини тузатиш, тушликдан сўнг телевизорни кўрсатиш... Буларнинг барига қандай улгурарканман?... Тез-тез битказсам, улгураман.

...Шошиб йўлда кетиб бораяпман, бирорта туфли ямаш жойи учрамади. Анча пиёда юрдим, ён-веримга аланглаб. Ниҳоят, "Ремонт обуви"ни топдим. Ичкарига мўраладим, ўрта ёшлардаги

— Шу ёзувни "таъмирлаш ёки тузатиш", деб ёзиб қўйсангиз асақангиз кетмас...

Уста мендан бироз хафа бўлди-ю, лекин кейин фикримга қўшилди. Ҳарқалай, кимгадир телефон қилиб, рекламани ўзгартириш кераклигини айтди. Тўғри-да, бир кунда юз одам келса, ҳар бири "ремонт"ни кўради. Шу хотирасига михланади, ёзгандаям, эҳтимол, шундай ёзар. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг кўриш орқали эс-

Ойна

учун. Анчадан бери шу сўзни излаб юргандим, дедим ичимда. Бу "шпакловка"нинг асл ўзбекча айтилиши эди. Кейинроқ бобо "уйни тўғри-ла", дегани "ремонт" эканини кўп таъкидлади.

Дарҳақиқат, оталар тилидан "Олдин чолдеворингни тўғри-ла, кейин кўпқари қиласан", деган гапни эшитамизу, аҳамият бермас эканмииз-да. Шундагина халиги шаҳардаги кўчаларда осиглиқ "евроремонт"нинг маънисини тушунгандим. "Евротаъмир", десак маъкулмасми? Кечгача ишлаб, талай ҳали лугатда йўқ сўзларни, ибораларни эслаб қўлдим. Эҳтимол,

"Меҳнаткаш одамга тўсиқ йўқ", деганди буюқ ёзувчи Лев Толстой. Тўсиқларни мардонавор енгиш иштиёқи кишини тарбиялайди, янги чўққилар сари ундайди. Ииллар ўтиб, меҳнаткаш инсон ўз ниятига эришган тақдирда ҳам сира тўхтагиси келмайди.

Истеъдод ди, деганди бир аллома. Бу даргоҳда устозларимдан керакли маслаҳатлар, билим ва кўникмаларни олдим. Барибир ҳали тажриба тўплашим кераклигини, устозларнинг қўллаб-қувватлаши муҳимлигини англаяпман. "Лок

ЭЗГУ ОРЗУЛАР САРИ



Муниса отасининг машаққатли ишини кўриб, кўзи пишгани учунми, миниатюрага қизиқди, шу соҳага ўзини бағишлашни кўнглига тугди. Сабр-тоқат, ҳар бир нуқтани назардан четда қолдирмаслик, синчковлик ажодлардан ўтган бўлса керакки, қуймақулоқ, зукко қизнинг характерида дарров сезила бошлади.

— 6 ёшимда "Оила" деб номланган суратни чизганман, — дейди **Муниса Бўронова**. — Унда ўзимизнинг хонадонни тасвирлаганман. Бироз жўн бўлса-да, ҳақиқатан одамнинг эътиборини тортади ва мен учун у доимо қадрли. Сабаб ўша асар туфайли менда шу соҳага иштиёқ ортган, қолаверса, кейинги ишларим мана шу сурат ортидан туғилган. Мактабда ўқиб юрган кезларим ҳам тасвирий санъат дарсларида ўзгача фантазия яратишга уринардим. Биринчиси иккинчисига ўхшамасликка, кейингисини янада чиойли тасвирлашга интилардим. Албатта, у қизиқчиларимнинг меваси эди.

У дастлаб Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб интернатидида ўқиниб бошлади. У ердаги адабий муҳит уни кўпроқ изланишга, тенгдошлари билан чизган расмларини, ишлаган миниатюраларини муҳокама қилиб, камчиликларини тўғрилашга ва ўз устиди янада кўпроқ изланишга ундади. Катта иштиёқ эса, 2013 йили уни кейинги босқич — Тошкент Республика рассомлик коллежига етаклади.

— Билмайдиган нарсаларни оёқларим остига қўйса, бошим осмонга етар-

миниатюра" йўналиши бўйича таҳсил олаяпман. Энди олий таълимда ўқиниш давом эттириб, соҳани дунёга танитиш асосий ниятим, — дейди у.

У халқаро танловларда ҳам фаол. Унинг Люксембург, Франция, Россияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой эгаллаши, мутахассислар эътирофига сазовор бўлиши ҳар бир ватандошимизни қувонтиради. Хусусан, "Seemaine d'ART au Luxembourg", "Тасвирий санъат фестивали" да танлов ғолиблигини кўлга киритди.

— Халқаро танловларда бутун дунёга машҳур алломаларимиз суратини чизаман, — дейди у. — Бу доим фойда беради. Чунки уларни жаҳон танийди. Парижда "Ибн Сино" расмига миниатюра ишлаганман. Ҳамма олқишлагани албатта, бу энг катта ютугимиз. Шундай ажодларимиз билан фахрлансак арзийди. Улар халиям муваффақиятларимга ҳисса қўшаётир.

Мунисанинг таъкидлашича, унинг кичик муваффақиятларида ҳам устозларнинг катта хизмати бор. Отаси Давлат Тошев, онаси Саломат Бердиева, шунингдек, илк ўқитувчиси Эркин Жўраев, Тошкент Республика рассомлик коллежидида устози Ҳасан Исоқжонов хали-ҳануз унинг кўмакчиси, тез-тез улардан ёрдам сураб туради. Унинг "Сўфи тўғрай қуши", "Қуш", "Қамолиддин Бехзод", "Ҳаёт дархати", "Биби-хоним" сингари асарларини кўриб, унинг келажақда катта миниатюра устаси бўлишига ишонасиз.

Мустафо САГИРОВ.

АЙБ ТИЛДА ЭМАС, ЎЗИМИЗДА-КУ!

киши "Хўш, хизмат", деган маънода тикилди. Туфлимнинг пошнаси едилрилганини, алмаштириш кераклигини тушунтирдим, бошини тебратди.

Йигирма минут "ремонт"дан бошқа миямга сўз келмади. Ўзгартирса, бўлмасмикан, деб ўйлайман. Менга ўхшаган мингтаси, айтгандир, барибир ўзгартирмабди-ку. Фойдасиз. Ўрнига қандай муқобили бор экан? Ямаш, тўғрироқ. Негаки, ямоқчи деб кўпроқ этикдўзларга нисбат берилган. Кимдир, жуда кўпол деб айтганди, бир суҳбатда. Касбнинг енгили, ҳалол нон топишнинг уяти бор эканми?! Ямоқ иши, деб ўша жойга ёзиб қўйса ҳам бўларди. Оёғимга туфлини илиб, тўппа-тўғри телефон тузатиш жойига отландим. Ўн-ўн беш метрдан сўнг етдим: устага "Nokia"ни узатдим. У ерда бир бурчакка тикилган яна ўша ёзувга кўзим тушди: "Ремонт телефонов". Об-бо, деб ўйлай бошладим. Ҳаммаси ремонт, тузук нарсанинг ўзи борми? Қаерга борсам, шу.

— Қанча пайтдан бери телефон тузатасиз? — дедим ҳаҳлим чиққанини сездирмаслик учун. — Бир кунда нечта одам келади, олдингизга?

— Уч йил. Санамайман, баракаси учайди!

— Барака топгур, ҳеч курса шуларни ўзбекча ёзиб қўйсангиз бўлмайди! Мижозларингизнинг деярли ҳаммаси ўзбеклар.

— Клиентларимми, ҳа, ўзбек бари.

— Қайсини ўзбекча ёзай?

— "Ремонт" деган сўзни.

— Ҳамма тушунади-ку!

лаб қолиш қобилияти юқори. Ўқитувчи уларнинг хатосини тузатгунча, боши ачиб кетади.

Доим тилга масъулиятли кишиларни шу нарса ўйга толдирса керак: нега четдан ўзлашган сўзларнинг муқобили ўзимизда бўла туриб, ҳали-ҳануз "ремонт", "beauty saloni", "shop", "market" сингари атамаларни ишлатишни маъқул кўраяпмиз?.. Нега, жарангдорлиги учунми, ёки одамларнинг эътиборини янада кўпроқ жалб этиш сабабиданими? Кимдир ўйласа керак, барчасининг ортида реклама бор, деб. Кейинги пайтда энг кўп ишлатиладиган ўзлашган сўзлар айнан, мана шу соҳага оид. Четдан кўпгина маҳсулотлар, уларнинг ортидан номлар кириб келаётир. Аммо уларни тузатувчи, таъмирловчи, тўғриловчи ўзимизда бор-ку. Хўп, майли, читфуруш, базозони "бизнесмен" деган билан кишининг рутбаси ошиб қолармиди?! Менимча, бизнесмен савдо тилини пухта биладиган ва соҳанинг барча жиҳатларини қамраб олган савдо ходими. Шунинг ўзиёқ улар ўртасидаги фарқни кўрсатиб турибди.

...Яқинда иморат кўтариш учун қўшнимизниқига ҳашарча бордим. Ҳамма ўша ерда экан, бирин-кетин том устига чиқиб лойсувоққа тушдик. Шунда бир отахон айтиб қолди:

— Уйинг бироз қийшиқ, Бозорбой. Қибла тарафини қалинроқ гулқори қил, билинмай кетади. Сувоқдан кейин ҳам барибир қолади, шунинг

унияма қачонлардир айтиш пайти келар.

Телевизорни кўрсатиш кейинги кунга қолди. Нима-ям дердим, ундаям кундаги хато - "Пелси"ни реклама қилаётган қиз, "Ўзинга ишон!", дейди. Битта "г" йўқ. Ҳали тузатилмаган хатолар кўпу, яна устига қўшилаверади. Бу ўзимизнинг эътиборсизлигимиздир. Таржима жарангидаги нуноқликлар ҳам талайгина: Салқинлик таъминини ҳис қил, таржима бир қарашда мутаржимнинг саводи чикмаганини изоҳлаб турибди. Негаки, таъм бу салқин, иссиққа хос эмас. Жуда қийналса, "Асл таъмини бил", деб ўзбекчалаштирса ҳамма тушунарди. Эрталабдан бери шунга оид сўзлар бошимда айланади. Уни мослаб, аниқ йўналишда ишлатиш мумкин-ку! Нега энди, фақат "ремонт" қилишимиз керак, таъмирласак, тузатсак, ямасак, тўғриласак, бизни биров уришадими?! Ваҳоланки, бари соф ўзбекча. Хуллас, бош ҳам ачиб кетди, унияма "ремонт" қилиб қўймасин! Йўқса, шуниям судраб кўрардик. Иш қилиб, хаёлдаги ишларимнинг барини тузатишга улгурмас эканман. Бунга нафақат мен, балки атрофдагилар ҳам сабабчи. Лекин барибир ўша ноқисликлар тузатилади, ишонаман.

"Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз ноҳонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар", — деганида улуг адибимиз Абдулла Қодирий минг қарра ҳақ эканлигига таъриф йўқ.

Олимжон ЖУМБОЕВ.

РЕКЛАМА

АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

қуйидаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати) — Турли яллиғланиш хасталиklarини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталиklarини аниқлаш; ҳомиладорликни аниқлаш.

ЭРКАКЛАР САЛОМАТЛИГИ (уролог-андролог хизмати) — Жинсий аъзолардаги яллиғланиш касалликларини аниқлаш; эркаклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркаклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш.

ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ — қондаги биохимик таҳлиллар (Алт, Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар таҳлиллар, ўсма касалликларини аниқлаш таҳлили; вирусли гепатит касалликларини аниқлаш.

УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

Хурматли Отакул Рустамов!

Табарруқ 65 ёшингиз муборак бўлсин!

Бахтимизга соғ-омон бўлинг!

Оила аъзоларингиз.

Меҳри хола йўлга отланди. Шу совуқда кўшин тумандаги укасини кўргани жўнаб қолиши — болалари наздида, қайсарликдан бошқа нарса эмасди. Қишнинг қаҳри сал юмшаб, ҳеч бўлмаса қор кетгунча чидаса бўларди. Йўқ, юраги эзилли кетаверди. Қизининг "Тоғам эркак боши билан бир келай демайди, қачон қараса сиз юкинасиз", деган аччиқ кесатигини ҳам эшитмаганга олди. Жигар экан-да. Тоғпан-тугганини тугунга жойлаб, "қўрада кўрсам кўнглим тўқ" дея саҳарги аёзда чиқиб кетди...

ҚАДР ВА ҚАҲР ОРАСИ

Шу сафар биринчи марта укасининг уйини топишга қўйналди. Таниш муюлишда бирпас уйга толиб туриб қолди. "Тавба, наҳот олтишга кириб-кирмай, шунчалик паришонхотир бўлиб қолялман?" Бунақада совуқдан ачиша бошлаган қўлларини бир-бирига ишқаш учун тугунини ариқ лабида эримай қолган қор лахтаги устига қўйди. Укаси ота уйини сотиб, марказга яқинроқ бу қишлоққа кўчиб келганига ҳам йигирма йиллар бўлди. Меҳри хола орқасидан кўп келган, бу кўчалар ёд бўлиб кетган унга. Ё кейинги кўчамиди?

Шу пайт йўлни кесиб ўтган болакай жонига ора кирди — укасининг уйини кўрсатиб қўйди. Адашмаган экан-у Меҳри хола жимжимадор, баҳайбат темир дўрвозага тикилиб қолди. Пастак ёғоч дарвоза ўрнига нақ икки баравар катта, янгиши ўрнатилган экан. Томни ҳам кўтаришибди. Шунча ўзгариш...

Укаси уйда экан. Меҳри хола у билан йўлаб кўришди. Ни-

магадир охириги пайтлар кўзининг ёши килкиллаб қолган. Ҳар бир одам кўзига ганимат кўриб-навереди. Ўзиям беш-ўн йил ичида жуда кўп жудолликларини бошдан кечирди. Укасини кўрганида, йўқотганларининг ҳаммаси шу ёлғиз жигарининг сиймосида яшаётгандек, тўлиқиб кетаверди.

Оқшом бутун оила йиғилди. Ўзингдан кўпайгурлар бир кўрғон бўлай деб қолишибди, шукур. Меҳри хола яйраб-яшнаб ўтирди. Кўнглининг кемтиклари дейдордан тўлиб борар, гўё барча ташвишу ситамлари бутундан бошлаб орда қолган, юрагига мадор инарди. Болалар қаерданам билишсин буни!

— Қўла холам билан қўла тоғам келишди!
Ҳовлиқиб кириб келган кенжа ўғилнинг хабари ҳаммани ба-равар кўзгатди.

Тўрға янги кўрпача тўшалди. Салом-алик асносида дастурхон оҳорлисига алмаштирилди. Тиш ковагидаги писта-бодом, майиз қўйилди.

Туқилмаган ҳикоя

Ертўлада асралган узум бор экан, келтирилди.

"Бу овқат ҳисобмас, ҳозир ошга уннаймиз", дея манзират қилинди

"Янги" қариндошлар еб-ичиб, яйраб ўтиришди.

Қудаларни машинада уйларига обориб қўйишди. Меҳри хола эса одатига кўра эрта тонгда йўлга чиқди. Минг қилсаям жигар экан, укаси аёлига:

— Ўғилнинг уйғот. Аммасини катта йўлга опчиқиб қўйсин, — деди, кетар олдида дуо қилинганч.

Келини ичкари уйга кириб, анча ҳаяллаб қолди. Меҳри хола хижолат торта бошлади. "Кечроқ жўнасам бўларкан, жиянини ҳам совуқда қўйнайдиган бўлдим".

— Аксига олиб, мойи тугаб қолган экан, — деди ранги хиёл ўзгариб чиққан келин.

— Ие, бирпасла-я?
Меҳри хола келинини жавоб беришга ҳам қўймай кесиб гапирди:

— Вой, қўй ука, бир қадам жой-ку. Бунинг устига, у ёқ-бу ёқни томоша қили-иб яёв юришни яхши кўраман. Илҳақ бўлма.

Шу гапдан кейин ҳеч ким қистамди.

Катта йўлгача пиёда кетди. Уйга қўшиб, оғир қадам ташлаб бораркан, кўнглининг кеча тўлган жойлари битта-битта ўпирилиб, тўкилиб борарди.

Гулчехра АСРОНОВА.

Таассуф

гиси чиққан, "парда ортидаги ишлар", яланғоч суратли қанақа сайтлар бор, бу унинг калласини қамраб олган ўйларидан бири!

Мутахассисларнинг айтишича, бугунги кунда интернетда 4 миллиондан ортиқ парнографик сайтлар бор экан. 9000 сайтда эса зўравонлик, ўлдириш билан боғлиқ "ўйинлар" мавжуд. Уларнинг аксарияти тарбия муҳитини аёвсиз булғамокда. Интернетга ишқибоз болалар ақлий жиҳатдан ўсиш бўйича тенгқурларидан 1,5 баробар орқада. Улар ўртасида кўз хиралашини, кўз касалликлари 2,5 баробар ортаганлигига, нима дейсиз?..

Интернет дунё тараққиёти учун керакли механизм. Бундан тўғри фойдаланиш келажагимиз учун зарур. Ёшларни, турли ёшдаги кишиларнинг ўй-хаёлини бузадиган, ёмон йўлларга бошлайдиган "оқава"лардан уни тозалаш, унга йўл қўймаслик, олдини олиш зарур. Касблар, ихтиролар, янгиликлар ва уларни ўрганиш, ташкил қилиш йўллари бўйича қизиқ-қизиқ, жумбоқли компьютер ўйинларини яратиш, бу ўйинларга жалб қилишни кучайтирилганлари рағбатлантириш, тажрибаларини тарғиб этиш зарур. Албатта, ҳар нарсада метъёр бўлгани яхши.

Умаркул ЭҒАМОВ,
Жиззах вилояти.

Ўрта ёшдаги ҳаракатчан эркак ёши сал улғайғач, бирдан камҳаракатчан ва ақлан, жисмонан тез толиқади-ган бўлиб қолади. Жўшқин, хушмуомалали, хушчақчақ инсондан, бирданга сусткаш депрессив пессимистга айланади. Бундайлар билан мулоқот, муомала қилиш, ишлаш қийинлашади. Оилада ҳам ўзаро муносабатлар тараққилашади. Бундай кишиларнинг айниқса жинсий ҳаётида салбий ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу эса ўз навбатида, асабийлик ва жинсий ожизлик (импотенция) га олиб келиши мумкин. Бу каби муаммолар гирдобиди эркак киши ўзлигини, яъни ички "мен"ини йўқотади. Бу тиббиёт тили билан айтганда, андропазанинг бошланишидир. "Андропазуза" грекча, андро-эркак, раусае-тўхташ, яъни "эркаклик хусусиятининг тўхташи" деганидир.

Бу жараён кўп ҳолларда 50 ёшдан кейин (баъзида 30 ёшдан кейин ҳам) кузатилиши мумкин. Ачинарлиси, бу каби ўзгаришларга аксарият эркаклар жиддий эътибор бермайди, яъни, организмнинг умумий қариши ёки ўз жуфтга нисбатан муносабатнинг ўзгариши деб ҳисоблайди. Жинсий хоҳишнинг сустлашишидан ташқари, бу даврда ўз касбига бўлган қизиқиши ҳам пасаяди. Айримлар бундай пайтда иш жойини ўзгартиришга уринади, баъзан ҳатто оиласидан ҳам ажралишга қарор қилишгача етади.

Савол туғилади: хўш, нима учун баъзи эркаклар 40-50 ёшда эркаклик менопаузаси асоратларини ўзида ҳис қилади, бошқалари эса

хираси билан таъминлаб йўналтирилади.

Мисол учун, стресс гормонлари — адреналин, ноадреналин ва кортизол каби гормонлар организмнинг емирилишини, сарфланадиган энергия миқдорини оширади, яъни, катаболик (бузғинчи) таъсир кўрсатади. Тестестерон ва эстероген эса уларнинг акси бўлиб, организмга анаболик (яратувчи) таъсир кўрсатади. Шунинг учун, баъзи эркакларнинг жинсий иштиёқи тезда "ёниб" тугайди, айримлар эса ҳатто 70-80 ва ҳатто ундан юқори ёшда ҳам фаолликни йўқотмайди.

Андропазанинг клиник белгилари турли хил ва бир-бирига ўхшамаган бўлади, шунинг учун ҳар доим таш-

Соғлигимиз — бойлигимиз

"ЯРАТУВЧИЛИК" ИШТИЁҚИ СЎНМАСИН

70 ёшда ҳам бундай хасталикка чалинмайди? Бунинг асосий сабаби организмда тестестерон гормонининг камайиши билан боғлиқ жараёнлар. Аслида ҳаммамиз тестестерон гормони эвазига ҳаётга келамиз. У ҳам эркакларда, ҳам аёлларда жинсий хоҳишни бошқаради, эркаклик қуввати (потенция) ни йўриққа солади ва ҳомила пайдо бўлишида етакчи ўрин тутайди. Тестестерон мияни ва ижодга қобилиятни, фикр-лаш тарзини, бақувват, турли хил нарсаларда етакчи бўлишни шакллантиради. У биз эга бўлган имкониятга таъсир кўрсатиб ва бошқарибгина қолмасдан, шунингдек, ундан келадиган куч-қувватни ҳам назорат қилади. У оддий тил билан айтганда, бизнинг жинсий ва муомала ахлоқимизни бошқаради. 20 ёшда энг юқори туғма жисмоний ва ақлий қобилиятларимиз тестестерон эстерогенгормонлари за-

хис вақтида тестестерон танқислигини аниқлаб бўлмайди. Андропазузага йўлиққанлар кўпинча терапевт ва невропатологга мурожаат этади. Гормонал мувозанатнинг ўзгаришини аниқлаш учун бемор клиник ва биохимик текширувдан ўтиши керак. Бунинг учун соат 7 ва 11 оралиғида веноз қон олинади. Бунда тестестерон миқдорининг камайишини аниқлаш мумкин. Қондаги тестестерон имунофермент (ИФА) таҳлил усули билан аниқланади.

Ҳозирда тестестерон камайганлиги аниқлангандан сўнг уни мувозанатга келтириш усуллари мавжуд, бу эса узоқ йиллар давомида эркакларга ёшлик, фаоллик ва хушчақчақлик бағишлайди.

Баҳодир
РАҲМАТУЛЛАЕВ,
тиббиёт фанлари номзо-
ди, уролог шифокор.

ИНТЕРНЕТДАГИ ҲАЁСИЗЛИК

Бир ҳафтача ана шу ғалати таассурот таъсирида юрдим. Кейин одам камайган пайтда кириб, яна компьютерни очиб кўрай-чи, балки ҳалиги бёмани манзараларни ўчириб ташлашгандир, деб ўйладим. Яна интернетга уландим... аммо ўша кўнги ҳолат яна такрорланди. Бу қанақаси бўлди? Бизнинг миллатимиз, халқимиз буни ўзига эп кўрмаган. Мактаб болаларини, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ўқувчиларини, енгил характерлиларни шу сўзларга қизиқтириб, ичинни очиб кўришга ундашми, бу? Ёки бемани бизнес дастурларини тикишганими?!

Ёш болалар потирлаб, эрталабдан сумкалари елкаларида кириб келишади. Масъул ходим "Ҳа, дарсларинг йўқми?", демади, аксинча, "Аввал, пулини бериб қўйинлар!", қўшимча қилади у. Болалар пичир-пичирла-

шиб, пул тўплашади, кимдир қарз олади, бир онда отишмалар, пичоқ санчишлар, қонга белашлар бошланади. Бир-икки та ишлаб ўтирганларнинг танбеҳларига ҳеч қайси бола эътибор қилмайди, хонани сўкинишлар, қийриқлар тутиб кетади! Интернет талбиркорниги, у бу йўналишда фаолият юритиб даромад олишни кўзлаган, ижарага, солиққа, иш ҳақига, коммунал тўловларга, компьютерлар ва бошқа техник қурималарнинг ишлаб туриши учун жорий таъмирига ва ҳоказо харажатларини қоплаб бориши, сарфлаган пулини чиқариб олиш ўй-хаёли билан банд. Аммо маънавият, болалар, ўсмирлар дунёқараши, келажаги уни ҳам қизиқтириши керак-ку! Лекин интернетга кўпроқ болалар, ўсмирлар кирди, даромади кўпаяди, қайси ўйинларни келтириш керак, жангариларидан яна қанақа-ян-

Дунё миқёсидаги тажрибалар шунини кўрсатадики, болани оила бағрида улғайтириш жамиятга муносиб қилиб тайёрлашнинг энг ишончли ва самарали усулидир. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни оила бағрига қайтариш, уларни миллий урф-одатларимиз бўйича тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланади. Абдулла Авлоний номидаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси Хури Калбаева бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди:

— Фарзанднинг ота-онаси, оила аъзолари ғамхўрлиги ва қуршовида ўсиб-улғайиши унинг бахтли келажагини таъминлайди. Болани оиладан ажратиб олиш кўп ҳолларда унинг манфаатларига хизмат қилмаслигини барчамиз яхши биламиз. Шу боис, кейинги йилларда кенг жамоатчиликнинг фикридан келиб чиққан ҳолда, давлат таълим муассасаларига бириктирилган болаларни оила бағрига қайтариш, уларни ўз яқин инсонлари кўмаги билан мустақил ҳаётга тайёрлаш вазифаси кўндаланг қўйилмоқда. Мамлакатимиз қонунчилиги талабларига мувофиқ, туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг вазифаси ва ҳимийлик органлари зиммасига ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва оилга жойлаштириш вазифаси юклатилган. Вазифаси ва ҳимийлик органлари ана шу жараёнда фаол иштирок этиб, тарбияланувчинини оила тарбиясига бериш (патронат), энг сўнгги ҳолатдагина уни оилавий болалар уйлари, меҳрибонлик уйларида жойлаштириш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Оила ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига 2013 йилда киритилган ўзгаришга мувофиқ, энди фарзандликка бериш жараёни боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан кўриб чиқилади. Ҳозирги вақтда 21 та меҳрибонлик уйи, 2 та болалар шаҳарчаси, 1 та оилавий болалар уйларида 235 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум 16 ёшгача бўлган бола тўлиқ давлат таъминотида олинган.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қулай оилавий шароит билан қамраб олиш жараёни бўйича илк қадамлар ташланмоқда. Чунончи, 2013-2014 йилларда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг сони 1023 нафарга камайган. 2014 йилда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 2218 нафар бола фарзандликка олинган, 1712 нафари вазифасига, 986 нафари ҳимийликка, 94 нафари оилавий тарбия (патронат) тизимига жалб қилинган. Жорий йилда ҳам бундай ишлар тизимли равишда амалга оширилди.

Жаҳон тажрибасидан шу нарса аёнки, бутун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ота-она қаровисиз қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни асосан давлат муассасаларига жойлаштириш услуги қўлланилмоқда. Дунё миқёсидаги статистик маълумотларга кўра, давлат муассасаларига жалб қилинган болаларнинг 2-5 фоизини ота-онасидан маҳрум бўлганлар ташкил этади. Институционал муассасага болани жойлаштиришда оила даромадининг пастлиги, боқувчидини йўқотиш ҳолатлари, ота-онанинг бетоблиги ёки ногиронлиги, бу ердаги шароит

бола учун маъқулроқ, деган қараш мавжудлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Қиёсласдан шу нарса равшанлашадигани, оилда, ота-онаси ғамхўрлиги ва ҳимоясида ўсаятган бола билан яқинлари ўртасида меҳр-муҳаббат ришталари боғланар экан,

тирса, меҳрибонлик уйида бошқачароқ манзара: ён-атрофида фақат ўзи каби тенгқурлар, бири жижаки, иккинчиси муғомбир, учинчиси ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилроқ. "Қовун қовунни кўриб ранг болар" деганларидек, бола тенгқурига қараб, ўсади.

Дарҳақиқат, меҳрибонлик уйлари тарқ этиб, мустақил ҳаётни бошлаётган ёшлар ҳаётида ўзига хос муаммоларнинг кўплиги ноинститутлаштириш жараёнининг нақалар долзарблигини кўрсатмоқда. Болани институционал муассасага топшириш қандай оқибатларга олиб келишини айрим

зилга кўчириш психологик жиҳатдан оғир кечади. Агар барча тарбияланувчилар бир кундаёқ оилга топширилса, мутахассислар ҳар бирининг эҳтиёжига нисбатан эътиборни бирдек қарата олмайдилар ва, натижада, янгидан-янги муаммолар вужудга келади. Бунинг ижобий ва салбий томонларидан хабардор бўлиш ҳам муҳим талабдир. Аввало, аҳолига болани давлат муассасасига жойлаштириш қандай оқибатларга олиб келиши тушунтирилади.

Ноинститутлаштириш жараёни самарали бўлиши учун режа лойиҳаси ишлаб чиқилиши, уни бошқариш ва амалга

НОИНСТИТУТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

*Ота-она меҳридан бенасиб болаларнинг оилавий муҳитда ўсиши,
камол топиши учун имконият яратди*

бу унинг руҳий, ақлий ривожланишида, ижтимоий ҳулқ меъёрларини ўзлаштиришидаги бирламчи шартдир. Болаларвар ўзбек халқ ўтмишига назар солишга, ота-она вафот этса ёки боласини боқиб ололмайдиган вазиятга тушиб қолса,



ўша авлоднинг бирорта вакили - тоға, амма, хола, бобо, момо ғамхўрликка муҳтож бўлган ўғил-қизни бағрига олган. Қадимда қариндош-уруғчилик ришталарининг мустақиллиги бола тақдирининг бир маромда кечишини таъминлаган. Шубҳасиз, оила билан меҳрибонлик уйи ўртасида яққол кўзга ташланувчи тафовут туфайли бола мустақил ҳаётга ўзига зарур бўладиган амалий малака - муомала, интизом, жавобгарликни шакллантира олмади. Ноинституционал муассасада мустақил ҳаётга узатилган тарбияланувчи турли муаммоларга дуч келишига гувоҳ бўлиш мумкин. Турмуш қуриш, оилавий ҳаётда жұфт бўлиб яшаш, уй муҳитига тезла мослаша олмаслик, иш топиш ва ишга жойлашишда, меҳнат жамоасида ўз вазифасини тўлақонли уйдлашмаслик, раҳбар ва ҳамкасблар билан зиддиятга бориш, ўз фикрини аниқ-равшан ифодалашда қийналиш каби ҳолатлар собиқ тарбияланувчида сезилиб туради. Уй-жой таъминоти, таълим олиш, касбий тайёргарлик, ишга жойлашиш, саломадлигини асраб-авайлаш борасидаги имкониятлар тарбияланувчинини ташвишга солади. Гарчанд давлат томонидан болага ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилса-да, бу унга ўз ота-онаси бериши мумкин бўлган меҳр-мурувватнинг ўрнини боса олмади. Агар оила муҳитида бола ижобий ҳулқ-атвор меъёрларини ота-она, ака-ука, опа-сингил, тоға, амма, холасига қараб ўзлаш-

оширишда тегишли шахслар иштирок этиши талаб қилинади. Бунинг учун ваколатли бошқарув органлари вакиллари билан иборат ташкилий қўмита чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқади, лойиҳани бошқаради, кузатиб боради ва монито-

ота-оналар чуқур англаб етмайдилар, бутун фожиа ана шундан келиб чиқади. Бу муаммо фақат бизда эмас, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кузатиляпти. Олиб борилаётган тадқиқот ва кузатишлар бола учун энг хавфсиз ва мақбул макон оила эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис, ноинститутлаштириш соҳасида Чехия, Болгария, Руминия, Грузия, Озарбойжон, Россия давлатларида уч ёшгача бўлган, ота-она қаровисиз қолган болаларни оилга жойлаштириш, яъни фарзандликка бериш, вазифаси ва ҳимийликка олиш, тутинган ота-она қарамоғига топшириш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Болгарияда ноинститутлаштириш бўйича қабул қилинган миллий дастур асосида 2010 йилдан бошлаб ота-она қаровисиз қолган болаларни оилга қайтариш тизими вужудга келтирилган. Бундай оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади, ресурс тўғри тақсимланади, давлат бюджетини тўғри йўналтириш, ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш натижасида интернат муассасаларидаги болалар сони кескин пасайишига эришилмоқда.

Фарзандни давлат муассасалари тасарруфидан оила бағрига қайтариш жараёнини бошқаришда ташкил қилиш муҳим масала саналади. Биринчи гада, аҳолининг ва ноинститутлаштиришда иштирок этаётган барча ташкилотларнинг бу жараёндан хабардорлигини ошириш зарур. Болаларни бир жойдан иккинчи ман-

рингни амалга оширади. Юқори малакали ва тажрибали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи белгиланган чоратадбирларга масъул эканлигини унутмаслиги лозим. Гуруҳ аъзолари муассасанинг умумий ҳолатини, тарбияланувчилар сони, тавсифи, хусусиятлари, ёши, жинси, миллати, алоҳида эҳтиёжлари, бу ерда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони ва касбий малакалари бўйича маълумотнома тайёрлайди. Интернет типидagi муассасаларни қисқартиришда болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, давлат ва нодавлат секторидан мавжуд бўлган муқобил жойлаштириш шакллари, мавжуд ресурслар тизимини ўзгартириш зарурати ва бошқалар инобатга олинади.

Болаларни муқобил жойлаштириш шакллари жорий этиш учун янги хизмат турлари қўлланилиб, унда ҳар бир тарбияланувчининг алоҳида хусусиятларини инобатга олиш ва индивидуал эҳтиёжларини қондириш керак. Институционал муассасага жойлаштиришнинг олдини олиш бўйича хизматлар мавжуд. Бола оилга топширилгач, бўшатилган бинони кундузги ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, моддий таъминот, яъни зарур маблағ бола яшайдиган оилга ҳам йўналтирилиши керак.

Оилда боланинг хавфсиз ҳаёт кечириши ва энг зарурий эҳтиёжларини таъминлаш учун мониторинг тизими ташкил этилади. Унинг оиладаги ҳаёти тинч

Мушоҳада

ва осойишта кечиши учун соғлиги, ривожланиши ва ҳулқ-атворининг ижобий томонга ўзгариши каби кўрсаткичлар қабул қилинган. Болани институционал муассасадан янги турдаги манзилга жойлаштиришдан аввал маълумотлар базаси тўпланмади, бу доимо янгиланиб, тўлдирилиб турилиши керак. Маълумотномада ҳар бир бола, унинг вазифаси ёки ҳимийлари, янги яшаш жойи баҳолаб борилади. Тарбияланувчининг янги жойга кўчиб ўтиши, бошқа ижтимоий муҳитда ўзини қандай ҳис қилиш ҳолати уч ойгача кузатилади, жами икки йиллик назоратда боланинг жисмоний ёки психологик ҳолатида бирор-та муаммо қайд қилинмаса, бу қутилган самарадир. Ўша оилга кўшимча ёрдам кўрсатилиши зарур.

Дунё бўйлаб институционал муассасада миллионлаб болалар яшайди. Шу нарсани унутмаслик керакки, бола ҳаммиша ва ҳар қачон ўз ота-онаси, яқинларини кўмсайди, уларга талпинди ва соғиниб яшайди. Меҳрибонлик уйи бола учун вақтинчалик бошлана, у бу маконга умрбод боғлана олмади. Шундай бўлгач, бу муассасанинг изчиллик билан, босқичма босқич ёпилишига эришиш ҳар бир давлатнинг тараққиёт босқичида ҳам муҳим роль ўйнайди. Аксарият давлатларда "Ноинститутлаштиришга ўн қадам" моделига риоя этилиши болаларни муҳтофазга қилиш тизимига улкан ўзгариш олиб кирди, тарбияланувчининг оилавий ҳаётга ўз салоҳиятини намоён этиши учун учун кенг имконият яратилди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қошида ижтимоий тадқиқотлар институти мутахассислари билан ҳамкорликда меҳрибонлик уйлари кўпроқ бўлган Самарқанд, Андижон, Фарғона вилоятларида 373 нафар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ҳудуддаги давлат муассасаларига жойлаштирилиши ўрганилганда, ота-она ажралиб, бошқа оила қуриши оқибатида бола муассасага топширилгани аниқланди. Ота-онаси, қариндошлари бўла туриб, муассасадан кўним толган болалар ҳам оз эмас. Ота бошқа оила қуриб, фарзанд тарбиялаш билан банд ва ҳоказо.

Меҳрибонлик уйларида бир йилдан ортиқ вақт давомида тарбияланаётган кам даромадли оилалар фарзандлиги, ота-онаси тирки ёки хорижий давлатга кетган болаларни ўз оиласига бағрига қайтариш учун ишчи гуруҳи томонидан рўйхат шакллантирилади. Давлат муассасаларида тарбияланувчининг ижтимоий-психологик оқибатлари, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашиши юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамкорликда иш тутиши, етти ўлчаб бир кесили ноинститутлаштириш жараёнида муҳим омил бўлиб қолади.

Хулқар КУЗМЕТОВА
ёзиб олди.

— Қизалогим, овқат тайёр бўлди. Совимасдан кўшни бобонга ҳам олиб бориб берақол! — ошхонадан ойисининг овозини эшитган Умидага бу гап унчалик хуш келмади.

— Ахир, ойи!.. — эътироз билдирди Умида. — Қизиксиз-а! Нега ҳар сафар улардан биз хабар оламиз. Фарзандлари ойда бир марта келиб холини сўрамайди-ку! Бор-йўғи қўшни бўлсақ. Мен бормайман, ана, опам борсин.

Нигора опа қизининг жавобидан худди устидан бир челақ муздай сув қуйилгандай талмовсираб қолди. Аммо, қизига бир оғиз ҳам гапирмади. Катта қизининг "Овқатни ўзим олиб бораман" дейишига қарамай, ўзи кўшнисининг уйи томон кетди.

— Тўғри-да, опа, ойим чолкампирига нега бунчалик қуюнади, — синглисининг феълени билгани учун ҳам опаси босикроқ оҳангда тушунтиришга уринди. — Яхисиси, мен билан бирга уларниқига кирайлик. Шунда ойимнинг меҳрибончиликлари сабабини тушунасан.

...Эртаси кунни опа-сингил кўшни отахоннинг эшигини тақиллатишди.

— Ие-ие, келинлар, қизлар!

Қани, уйга кининлар-чи. Нигоранинг қизларисизлар-а? — дея пешвоз чиқди кўшни бобо. — Ҳозиргина Моҳира момонгиз билан ойингизни эслаб тургандик. Барака топсин, бирам яхши аёл. Етмишдан ошган Ҳотам буванинг юзи қувончдан ёришиб кетганди. Остона хатлаган қизлар хоналардан бирига киришди. Уйнинг тўрида эскироқ диванда Моҳира хола ётарди. Бир

МЕҲР НУРИ СЎНМАЙДИ



қарашда соғлом кўринган онахон олти етти йилдан буён тўшакка михланган. Танасининг чап томони бутунлай ҳаракатдан қолгани учун жойидан кўзалолмасди. Бу ҳам етмагандек, тамоман тилдан қолган. Яратганининг қудрати биланми, фақатгина "Аллоҳга шуқр" дея пичирлай оларди.

Ўртада ноқулай жимлик чўқди. Қизлар онахон билан қандай суҳбатлашишни билмади. Шунда опасидан кўра шаддодроқ Умида гап бошлади:

— Хола, соғлигингиз яхшими? Онахоннинг чеҳраси ёришди. Юзи-



Қадрият

га табассум югурди. Қизларнинг ҳар бир гапига имо-ишоралар орқали, жилмайиб жавоб берар, миннатдорчилик билан қўлларини силаб кўярди.

— Моҳира холангиз ҳар доим сизларнинг уйингиз томонни кўрсатади, — суҳбатга қўшилди отахон. — Ойингизни сўрайди. Барака топсин, умри узоқ бўлсин. Қизимни ҳамisha биргалашиб дуо қиламиз. Нигора келин сизлар ҳақингизда кўп гапирди. "Бир-биридан хушчақчақ қизларим бор, сизларниқига юбораман", дейди барака топкур.

Қизлар кўшни хонадонда анча пайтгача қолиб кетишди. Гап уйнинг тўри, деворга илинган най ва столда тахлам-тахлам қўйилган қоғозларга бурилди. Ноталар ёзилган қоғозни кўрсатаркан, бобо мунгли куй чалиб берди. Гурунқ якунида Моҳира хола қизлар билан хайрлашди. Онахоннинг қўллари дуога очилди...

Эшик олдида қолган Ҳотам ота: "Нигора қизим ва дадангизга салом айтинг. Келиб туринлар", дея хайрлашди.

Орадан бир неча кун ўтди. Бугун тонгданоқ ҳамманинг кайфияти ўзгача эди. Қизларнинг ота-ониси телефон қилиб, кишлоқдаги бобо-бувилари билан ҳол-аҳвол сўрашди. Уларнинг дуосини олди. Нонуштадан сўнг, Умида ойисига юзланди: "Ойи, бугун Ҳотам буваникига бормаймизми?"

Нигинабону **ҲАБИБУЛЛАЕВА,**
ЎЗДЖТУ талабаси.

15 Кунда Кўриб чиқилади

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, кўшимча ва тузатиш киритиш ҳақидаги ариза қанча муддатда кўриб чиқилади?

Р.Эсонова.

— Агар битта далолатнома ёзувига ўзгартириш, кўшимча ва тузатиш киритиш талаб қилинадиган бўлса, ариза берилган вақтдаёқ ижро қилинади.

Агар бир вақтнинг ўзидики икки ёки ундан ортиқ далолатнома ёзувига ўзгартириш, кўшимча ва тузатиш киритиш талаб қилинадиган бўлса, у ҳолда ФХДЁ органи мудири бу ҳақда асослантирилган хулоса тузади.

Хулосага кўра далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритилиши зарур бўлган ҳолларда, ариза унга илова қилинган барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 15 кун ичида кўриб чиқилиши керак.

Саволга Зарбдор туман ФХДЁ бўлими мудири М.ОРТИҚОВА жавоб берди.

Уйда туғилган Бўлса...

Уйда туғилган фарзандимга туғилганлик ҳақида гувоҳномани қандай тартибда ва қайси ҳужжат асосида олишим мумкин?

Д.Холматов.

— Оила кодексининг 206-моддасига асосан, боланинг туғилиши унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онасининг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида қайд этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги қарори билан тасдиқланган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 18-бандига асосан туғруқхоналардан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз туғилган боланинг туғилганлигини қайд этиш унинг шу ондан туғилганлигига гувоҳлик берувчилар ва участка шифокори ёки фельдшерларнинг имзоси билан тасдиқланган далолатнома асосида амалга оширилади.

Саволга Галлаорол тумани ФХДЁ бўлими мудири Р.НОРКУЛОВА жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАОБОВ**

Саҳифаловчи — **Дилмурод ДЎСТБЕКОВ**
Мусаҳҳихлар — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,**
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5



ЭНГ КИЧКИНА АЙИҚ

Баҳайбат ва йиртқич ҳайвонлар сирасига кирадиган айиқларнинг дунёда бор-йўғи саккиз тури мавжуд бўлиб, улар орасида Малай айиғи энг кичиги ҳисобланади. Ёш ва гавда жиҳатдан энг каттаси ҳам нари борса 65-70 кг. оғирликка эга бўлиб, бўйи 1,3-1,5 метрни ташкил қилади. Дарвоқе, унинг ёқимтой ташқи кўринишига алданмаслик керак. Аслида, малай айиғи дунёдаги ўта тажовузкор ҳайвонлардан бири саналади.

Бу кўрқмас жонивор рақиблари билан олишувда голиблик учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Айниқса, она айиқлар болаларини сергаклик билан кучли химоя қилади. Шундай хусусиятлари учун ҳам Осиё ўлкаларида бу айиқни тинчликсевар деб ҳисоблашади ва уларни хонакилаштириб, уй ҳайвонлари қаторида сақлашади ҳамда "айиқ-кучук" деб аташади.

Малай айиғи, асосан, Таиланд, Мьянма, Вьетнам, Лаос мамлакатларида, Хитойнинг жанубий худудида, Хиндистоннинг шимоли-шарқида ва Индонезияда учрайди. Иссик иқлим туйғайли бу айиқ танаси майин, сув юқтирмайдиган, қора рангли жунлар билан қопланган. Унинг эшитиш ва ҳид билиш қобилияти жуда юқори, аммо кўриш масаласида унга ҳавас қилиб бўлмайди. Бу жонивор эркинликда 25 йилгача умр кўради.

Малай айиғининг асосий душманлари йўлбарс ва қоплонлардир. Улар билан олишувда айиқнинг чўзилувчан териси фойда беради. Масалан, рақиб унинг бўйнидан тишласа, у шу заҳоти бўйини бемалол орқага буриб, кутилмаганда рақибининг ўзини тишлаб олиши мумкин.

Ушбу тур айиқлар асосан, ҳўл мева, дарахтларнинг барра, яшил новдалари, ҳашоротлар, чувалчанг ва асал, баъзан эса, қўшлар, калтакесак ва бошқа майда жониворлар билан озиқланади. Уларга ўз озуқасини қўлга киритишида узун (20-25 см. келадиган) ва чаққон тили ҳамда серҳаракат лунжлари яхшигина ёрдам беради. 15 см. келадиган тирноқлари кўмагида эса дарахтларга қийналмасдан тирмашиб чиқади. Бақувват жағидаги мустаҳкам тишлари билан кокос ёнғоқларини ҳам чақа олади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

Э Ў Л О Н

ЎЗДЖТУ томонидан Буробина Наталия Геннадьевнага 1995 йилда берилган О19715 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1136. Формати А-3, ҳажми 2 таб.қ. Адади — 4333. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08